

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Мана, икки йилдирки, пойтахт вилояти маъмурий маркази сифатида эътироф этилган Нурафшон шаҳри йирик қурилиш майдонини эслатади. Бир томонда бунёдкорлик, яна бир томонда эски тураржойларни бузиш ишлари жадал давом этмоқда. Зеро, янги шаҳар бўш майдонда пайдо бўлаётгани йўқ.



НУРАФШОН КЕЛАЖАК ШАҲРИГА АЙЛНАДИ

Мухими, бузилаётган уйлар учун яхшигина тоvon пули берилаётти. Тураржой эгаларининг истакларига қараб бошқа жойдан ер майдони ажратилаётти, кўп қаватли уйлардан кварталлар таклиф қилинаётти.

Шу боис, бугун барча нурафшонлик "Менинг уйим бузилаётти" деб эмас, аксинча "Фарзандимга, набирамга замонавий уй қурилаяпти, яшаш учун муносиб шароит яратилмоқда" деган фикрда яшаб, ишламоқда.

Қисқа вақт ичида шаҳарда ўнлаб кўп қаватли тураржой бинолари қад кўтарди. Марказ таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Маъмурий бинолар, равон йўллар, анвойи гуллар эса ҳудуд кифасига кўрк қўшиб турибди.



Нурафшонда йил охирига қадар молиявий манбаси кафолатланган 67 та лойиҳа амалга оширилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 1 — 3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Нурафшон шаҳрида бўлиб, бу ерда бош режа асосида амалга оширилаётган лойиҳалар билан атрофлича танишди. Ўз навбатида, бир қатор таклифларни ўртага ташлади. Шундан сўнг бу ерда бунёдкорлик ишлари янада жадаллашди. Янги кентга ўзгача файз ва ба-
2

□ Муносабат

ИЛМ ШУЪЛАЛАРИ ГУЛХАНЛАРГА АЙЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорини ўқиб, мустақиллик қадрини, истиқлолнинг муқаддаслиги, озодлик туйғуси инсон учун нақадар азиз ва муҳимлиги ҳақида ўйлай бошладим.



Президентимизнинг даъватлари, халқ билан мулоқоти, оддий одамларни тинглаши сабаб бўлди.

Мен ярим асрлик илмий-педагогик фаолиятим давомида одамларнинг илму маърифат олишига бўлган сунъий чекловларни кўриб, ич-ичимдан эзилардим. Фарзандларимиз

Ота-боболаримиз қатагон қилиниб, ўз юртларидан мосуво бўлганида, мустабид тузум зиндонларида қон ютганида, бебаҳо китоблар ёқилганида, кўмилганида, тарих сохталаштирилганида, дин ва диёнат, ор ва номул топталанганида халқимиз озодликни қанчалар кўмса-ганди, кутганди.

Асрий истибод барҳам топиб, мустақиллик қўлга киритилганда, қадримиз тикланди, қаддимиз ростланди. Бутун вужудимизни қўршаб олган кўрқув ва ҳадик занжирлари парчаланди. Биз миллат сифатида ўз асрий аъналаримиз, қадриятларимизни асраб-авайлаш, бойитиш имкониятига эга бўлдик.

Президентимиз томонидан ҳаётимиз мазмун-моҳиятига айланган одамларни рози қилиш тамойили бутун халқимизни ҳаракатга келтирди. Одамлар яхши яшаш учун қурашадиган, талаб қиладиган, интиладиган бўлди.

Жамиятда пайдо бўлган фикрсирик, лоқайдлик, му-теллик ўрнини таклифлар, мулоҳазалар, мунозаралар, бахслар эгаллади. Бугунги одамлар ҳар қандай топшириқни бажарадиган, кўрсатилган йўлдан юрадиган одамлар эмас, уларнинг ўз дунёқараши, ўз фикри, ўз танлаган йўли бор. Бундай демократик жараёнларнинг бошланишига, ривожланишига, одамлар онгу шуурига ўрнашишига, бир сўз билан айтганда, бутун жа-мият уйғонишига, албатта,

олий таълим даргоҳларидаги илмий салоҳиятдан фойдаланолмай, баҳраманд бўлолмай юришарди.

Бугун аввало, олим улуг'ланмоқда, университет ва институтларнинг моддий-техник базаси бутунлай янги-ланди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши кескин кўтарилди. Қабул квоталари оширилди. Сиртки ва кечки бўлимлар очилди. Истеъдодли ёшлар, илм-фан намояндалари қўллаб-қувватланмоқда. Чет эллардаги фан ва таълим марказлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Олий ўқув юртларининг филиаллари очилмоқда. Бу нимани кўрсатади? Ўзбекистонда илм-фанни, маънавият ва маърифатни халққа тобора яқинлаштириш ҳаракати бошланганини, албатта.

Илм йўлини танлаётганлар кўпайиб, илмий мактаблар фаолияти тикланаётгани қалбимда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Минг афсуски, қанча йилларни бой бердик. Илм кишилари рўзгорини тебратолмасдан бошқа юмушларга ўзларини уришга мажбур бўлишди. Қарийб уч йил давомида илмдан кетиш эмас, илмга қайтиш бошланди. Илм ахлида хотиржамлик, ишонч пайдо бўлди. Олий таълим даргоҳларида сўниб қолган илм шуълалари гулханларга айланмоқда. Янгиликлар, интилишлар даври бошланди.

Мавжуда АБДУКАРИМОВА,
техника фанлари
доктори, профессор

□ Брифинг

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди биносидан навбатдаги брифинг бўлиб ўтди. Унда соҳа вакиллари, ОАВ ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

СУД ЖАРАЁНЛАРИ: ТАҲЛИЛ, ТАҚҚОС, ХУЛОСА

Брифингда вилоятимизнинг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича суд раислари ўтган вақт давомида одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар тўғрисида маълумот беришди.

— Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида жиноят ишлари бўйича вилоят, шаҳар, туман судлари томонидан 2 минг 815 нафар шахсга нисбатан 1 минг 985 та жиноят ишлари кўриб чиқилди, — дейди жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Дилшод Тожибоев. — Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлар сони 682 тага ёки 25,6 фоизга камайганлигидан далolat. Шулардан 2 минг 348 нафар шахсга нисбатан 1 минг 570 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган бўлиб, 460 нафар шахсга нисбатан 408 та жиноят иши тугатилди.

Давоми 4-бетда

Бугунги кунда мамлакатимизнинг етакчи соҳаларида кластер усули кенг жорий этилмоқда. Хусусан, таълимда кластер усулини қўллаш тизимни барқарорлаштириб, шерикликни ривожлантириш асосида соҳа олдиға

янги мақсадларни қўяди. Қайд этиш керакки, ривожланган мамлакатларда "Таълим кластери" концепцияси жорий этилганига 20 йилдан ошди. Бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР САМАРАСИ



□ Инновация

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитида миллий менталитетга хос бўлган "Таълим кластери"ни таъсис этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳозирда жойлардаги мактабга таълим ва умумтаълим муассасаларида бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яъни, соҳада эришилган сўнгги ютуқлар, инновацион лойиҳаларни бевосита ўқув жараёнига жорий этиш юзасидан, мавжуд шарт-

шароитлардан келиб чиққан ҳолда, амалий таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, бизнинг муассасамизда ҳам тарбияланувчиларнинг нутқини шакллантириш, тафаккурини бойитиш, жисмоний ва руҳий чиниктириш, жамоадаги фаоллигини ошириш ва яна

қатор кўникмаларни шакллантириш юзасидан янги усул ва методлар қўлланилаётти. Мисол учун, Чирчиқ шаҳридаги 25-мактабда таъриб сифатида "Ривож-мактаб" лойиҳаси бўйича иш олиб бораёямиз.

Мазкур лойиҳа 3 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда агрессив, ўзлаштириши суст ўқувчилар аниқлаиб, уларнинг руҳияти, нутқи, ўзини тутishi ва яна бошқа зарур ҳолатлар ўрганилади. Улар педиатр, невропатолог, логопед, психолог, дефектолог, психолог, педагог ва ота-оналардан ташкил топан комиссия кўригидан ўтказилади.

2

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ҲУДУДЛАР БЎЙЛАБ САЙЁР ҚАБУЛЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Халқ билан мулоқотнинг энг оммавий кўринишига айланиб бораётган сайёр қабуллар ва уларда аҳолини қийнаётган муаммоларнинг ахсарияти жойида ҳал этилаётгани одамларда давлатта, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов кейинги пайтлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида пешма-пеш ана шундай очик мулоқотлар ташкил этишга катта эътибор қаратаётганининг боиси ҳам шунда.

□ Кучоқ очиб халқ ичига борайлик!

Ислохотлар самарадорлигини ошириш, одамларни бугунги кундан рози қилишда давлат бошқаруви идораларининг халқ ичига кириб бориши, барча даражадаги мутасаддиларнинг аҳоли дардини эшитиши, қувончу ташвишига шерик бўлиши гоят муҳим саналади. Президентимизнинг 2016 йил 28

декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аҳоли билан яқин мулоқотда бўлиш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят ҳокимининг сай-

ёр қабуллари худди мана шу таъмилланинг амалдаги ифодаси бўлаётгани билан эътиборлидир.

Куни кеча сайёр қабулларнинг навбатдаги манзили — Ангрен ҳамда Чирчиқ шаҳарлари этиб белгиланди.

Мулоқотда аҳолининг турли соҳаларга оид муаммолари, талаб ва

таклифлари эшитилди. Йўлларни таъмирлаш, ободонлаштириш, қурилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик, таълим ва тиббиёт сингари долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, муҳожаатчилар уй-жой қуриш учун ер ажратиш, моддий ёрдам, пенсия, болалар нафақаси,

солиққа тортиш, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотидаги муаммоларни кўтаришди.

Ишчан ва амалий руҳда ўтаётган бундай сайёр қабуллар изчиллик ва мунтазамлик касб этмоқда.

Ўз муҳбиримиз
Нозим АБДУЛЛА
олган суратлар

Нурафшонни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича алоҳида режа-дас-тур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, йил охирига қадар молиявий манбаси кафолатланган 67 та лойиҳа амалга оширилади. Унинг умумий қиймати 138 миллиард 164,7 миллион сўмга тенг. Бу маблағнинг ярмидан кўпи таширф баёнига мувофиқ ажратилди. 13 та лойиҳа айнан шу маблағ ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, Инвестиция дастури бўйича 3 та, "Обод маҳалла" дастури асосида 21, шаҳар маҳаллий бюджетидан 7 та, виллоят маҳаллий бюджетидан 11, вазирликлар маблағидан 8 та, ҳомийлар ва тадбиркорлар ҳисобидан 4 та лойиҳа рўёбга чиқарилади.

Молиялаштириш манбаси номаълум лойиҳалар ҳам белгилаб қўйилган. Улар сони 74 тани,

навбатда, аҳоли учун барча шарт-шароит яратилади. Инфраструктура ва коммуникацияларни янгилаш ишлари бошлаб юборилди. 246 гектар майдонда эса "Smart city" қурилиши лойиҳалаштирилмоқда.

"Ақли шаҳар" деганда нима-лар назарда тутилади? Бу савол-

792 квартири 9 ва 12 қаватли уйлар барпо этилади. Университет ишга туширилади. Ёпиқ спорт мажмуалари қад ростлайди. 360 ўринли боғча, 1 минг 200 ўринли мактаб, маданий-маиший объектлар, дам олиш ҳудудлари ишга туширилади. Қурилиш жа-раёнида муҳандислик-коммуни-

Ушбу икки бино ҳам шаҳар марказидан ўтувчи Тошкент йўли бўйида жойлашган. Қолган маъмурий бинолар, тураржой комплекслари айнан шу манзилдан ўрин олгани инобатга олиниб, шаҳарликлар орасида "Тошкент йўли концепцияси" деган ибора пайдо бўлди. Бу кўча-

Унинг ёнида велосипед ва пиёдалар йўлакчалари ҳам бўлади. Кўча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда.

Гарчи кўча аввалгига нисбатан икки қарра кенгайтирилган бўлса ҳам, келгусида тирбандлик бўлмаслиги чоралари ҳозирдан қўйилмоқда. Бу ҳам "Ақли шаҳар" атамаси билан бево-сита боғлиқ. Агар мантиқан ўйлаб кўрилса, вақти келиб, албатта, бу ерда тирбандлик бўлади, дейиш мумкин. Гап шунда-ки, Нурафшон Тошкент шаҳрига яқин. Виллоятнинг 22 та туман ва шаҳри ўртасида жойлашган. Буюк Ипак йўли ҳам айнан шу ердан ўтган. Ҳудудда барча им-коният мавжудлиги тадбиркорлар ва инвесторларнинг бу шаҳарга серкатор бўлиб қолишига олиб келади. Биз "тирбандлик" деганда кўпроқ ана шунини назарда тутган эдик.

Боз устига, бугунги кунда Нурафшон шаҳри аҳолиси 43 мингдан зиёд бўлиб, бир-икки йилга қолмай виллоятдаги барча ташкилотларнинг шу ерга кўчиб келиши ва аҳолининг марказга бўлган интилиши натижасида бу рақам 100 мингдан ошиши кутилмоқда. Шундан келиб чиқиб, шаҳарнинг кириш қисмидан марказга бўлган масофани эгал-лайдиган 4 километрлик йўл қурилиши режалаштирилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш — энг устувор масалалардан бири. Бу ерда замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилади. Шу мақсадда ташкил этилаётган технопарк учун 100 гектар ер ажратилди.

Амалга оширилаётган янгиланишлар одамлар кайфиятида ҳам акс этаётди. Нурафшонликлар юртимизнинг энг замонавий шаҳрини қуришда бевосита иштирок этаётганларидан фахрланмоқдалар. Улар кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланганлиги, эзгуликларнинг давоми ҳам Президентимизнинг доимий эътиборида эканлигидан мамнун.

Раҳматилло ШЕРАЛИЕВ
Ҳакам Йўлдошев
олган суратлар.
(Манба: «Халқ сўзи»
газетаси).



ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР САМАРАСИ

Иккинчи босқичда ўқувчиларнинг билимини синондан ўтказиш мақсадида улар ўртасида турли фанлар бўйича танлов ўтказилади. Учинчи босқичда эса, фан ва дастурларни танлаш ҳамда ишлаб чиқишга эътибор қаратилади. Бунда ҳафта кунлари маълум масалаларга бағишланади: душанба — психология, сешанба — инглиз тили ва ҳоказо. Мақсад — белгиланган йўналиш ва мавзулар бўйича ўқувчиларнинг қобилияти ва кўникмаларини шакллантиришдир.



Сўнгги босқичда 1 августдан ёзги мактаб иши ташкил қилинади. Ҳафта-нинг 5 кунли мобайнида ўқувчилар билан машғулотлар олиб бориш, бошланғич ва якуний қиёслаш тестларини ўтказиш каби назарий тадбирлар амалга оширилади.

Мазкур лойиҳа давомида ўқитувчи ва тарбиячилардан ўз устида мунтазам ишлаш, машғулотларга олдиндан пухта ва изчил тайёрланиш, болалар билан муо-мала-муносабатда педагогик талаб ва қоидаларга қатъий амал қилиш, ўқувчиларнинг жисмоний-руҳий, ақлий даража-сини текшириб, уларнинг қизиқишлари, истеъдод қирраларини илғаб олган ҳолда ишлаш талаб этилади. Шунинг баробарида, янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг замонавий методлари, кластер усулининг мазмун-моҳияти, ўзига хос-лигини пухта ўзлаштириб олишлари ке-рак. Шундангина таълим-тарбия жараёни-лада қўрилган натижаларга эришиш мум-кин.

Абдуқайом АБДУЛЛАЕВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти
"Мактабгача ва бошланғич таълим
спорт" кафедраси мудири

НУРАФШОНда
умумий қиймати
138 миллиард
164,7 миллион
сўмлик
67 та объект
қурилиши
режалаштирилган.

Шундан:

- ✓ **13 таси** Президент таширф иқни бўйича қабул қилинган ҳужжат.
- ✓ **3 таси** Инвестиция дастури.
- ✓ **21 таси** "Обод маҳалла" дастури.
- ✓ **7 таси** шаҳар маҳаллий бюджети.
- ✓ **11 таси** виллоят маҳаллий бюджети асосида.
- ✓ **8 таси** вазирликлар.
- ✓ **4 таси** ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амал-га оширилади.

умумий қиймати эса 18 милли-ард 963 миллион сўмни ташкил этади. Мазкур лойиҳалар, асо-сан, шаҳар ички йўллари таъ-мирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан боғлиқ. Ҳудуддаги барча маҳалла кўчалари асфальтлана-ди. Бу ишларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги, Автомо-биль йўллари қўмитасидан ма-дад қўтилмоқда. Шунингдек, ма-ҳаллий бюджет маблағлари ҳам ана шу мақсадларга йўналтири-лади.

Қисқа вақт ичида виллоят маъ-мурий идора ва ташкилотлари Нурафшон шаҳрига кўчирилди. Шаҳарнинг бош режасида айнан шулар эътиборга олинди. Янги маъмурий марказда, биринчи

◀ Бошланиши 1-бетда

га шаҳар бош архитектори Хай-рулла Ҳўжамқулов шундай жавоб беради:

— Биринчидан, шаҳар тўлиқ замонавий, янги технологиялар асосида, экологик тоза қурилиш материалларидан бунёд этил-моқда. Иккинчидан, тўлиқ видео-кузатув, автоматлаштирилган те-жамкор ёритиш, иситиш, сови-тиш, алоқа, интернет тизимла-ри ҳамда муқобил энергия ман-балари билан таъминланади. Ҳудуднинг бирор жойидан ер усти коммуникация тизимлари ўтмайди. Қолаверса, Нурафшон маҳаллий шароит ва табиат бил-лан уйғунлаштирилади.

"Ақли технологиялар" асоси-да бунёд этилаётган шаҳарни уч босқичда қуриш режалаштирил-ган. Биринчи босқичда 1 минг

қация тармоқлари тўлиқ ян-гиланади.

Режага мувофиқ, виллоят

миқёсидаги 60 та бошқар-ма, корхона ва ташкилотга

маъмурий бинолар, кўп

қаватли хизмат уйлари

қуриш учун ер майдонлари

ажратилган бўлиб, айни

пайтда шунинг 25 тасида

қурилиш ишлари жадал

суръатлар билан олиб бо-

рилмоқда. Фойдаланишга

топширилганлари орасида

виллоят адлия бошқармаси-

нинг маъмурий биноси ҳамда

Ёшлар маркази бор.



ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИЛАДИГАН ДАМЛАР

Баҳор мавсумидаги ёгингарчиликлар, ёз об-ҳавосининг кес-кин ўзгаришларига қарамай, виллоятимиз пахтакорлари юқори ҳосил етиштиришга аҳд қилишган.

Жараён

Миришкор деҳқонларимиз экин майдонларига керакли минерал ўғитлар ёрдамида ишлов бериш-моқда, турли хил зараркунанда-ларга қарши қимёвий ва биоло-гик воситалардан унумли фойда-ланишмоқда. Етилган далаларда экинлар пешма-пеш чеканка қилинмоқда.

— Пахта — кун санайдиган ўсим-лик, — дейди Чиноз туманидаги "Чиноз агро инвест" фермер ҳўжа-



лиги раҳбари Асатилла Арипов. — Юқори ҳосил олиш учун биз биринчи навбатда уруғлик сифати-га аҳамият берганимиз. Мутахассис-лар билан маслаҳатлашиб, "С 65-

24" навли юқори ҳосил берувчи уруғни экишга қарор қилдик. Мана, кўриб турибсизки, экинимиз жадал суръатлар билан ўсиб бор-моқда. Кўсақлар сони эса кўзни қувонтиради.

Қўшимча шохлар ўсиб чиқмас-лиги, гуллаётган кўсақлар нобуд бўлмаслиги учун далалар бир неча маротаба чеканкадан чиқарилди. Бу эса ҳосилдорлигининг ошиши-га, пахтанинг тезроқ пишиб ети-лишига замин яратади. Касб сир-ларини пухта эгаллаган Асатилла Ариповнинг фикрича, шу кунлар-да, айниқса, агротехник ишловни, ўғит солишни оби-тобига келти-риш керак. Азот, фосфор, калий

ва кальцийли ўғитлар шулар жум-ласидандир. Унутмаслик керакки, ушбу минерал ўғитларсиз ўзанинг ўсиши сусаяди ва кўсақлар сони кескин камаяди.


Бу йилги мавсумда июль ойи жуда иссиқ келди. Бундай шароит далаларни тез-тез суғоришни та-лаб қилади. Шуни инобатга олиб, фермер ҳўжалиги мироблари да-лаларни икки маротаба шарбат усулида суғоришга улгурдилар. Тунги суғоришлар ҳам алоҳида назорат остида ташкил этилаяп-ти.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири
Муаллиф олган сурат

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини оши-риш, оналик ва болаликни қўллаб-қувват-

лаш, оила институтини мустаҳкамлаш бо-расидаги кенг кўламли ишлар изчил давом этмоқда.

КЕЛАЖАК УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС



— Аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-лаш, оилаларда маънавий ва маърифий муҳи-ти яхшилаш учун самарали механизмлар яратиш борасида дастурий режа асоси-да вазифалар белгилаб олдик, — дейди "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Ангрен шаҳар бўлими бошлиғи Зиннат Хайт-қулова. — Шу асосда, хотин-қиз-лар билан индивидуал ишлаш амалиётини жорий этмоқдамиз. Уларни иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорлиқни ри-вожлантириш борасида тавсия-лар бериб келмоқдамиз. Марказ томонидан ёшларни

оилавий ҳаётга тайёрлаш, маъ-навий ва ахлоқий тамо-йилларни, анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, оилавий низоларни ҳал қилиш ва ажримларни камайтиришга қатта эътибор қаратилмоқда. "Соғлом оила — соғлом жами-ят" ғоясини кенг тарғиб қилиш мақсадида умумтаълим мактаб-лари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хо-димлари, жамоатчилик фаолла-ри, "Нуроний" жағфармаси, шифокорлар иштирокида дав-ра суҳбатлари ўтказилди. Жорий йилнинг бошидан Ангрен шаҳар фуқаролик бўлин-масида янги турмуш қурган аёл-

лар учун инновацион мактаб иш олиб бормоқда. Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратил-моқда. Таълим муассасаларида мунтазам равишда спорт мусо-бақалари ўтказилмоқда.

Марказда намунали оилалар иштирокида ёшлар билан учра-шувлар ўтказиб бориш ҳам яхши анъанага айланган. Бу борада "Намуна" маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган Ғаниевлар оиласини ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин. Бу йил Абдуманноп ота ва Адолат ая ўз никоҳларининг 65 йиллигини нишонлашди.

Марказнинг Ангрен шаҳар бўлими ногиронлар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида фаол иш олиб бормоқда. Июнь ойида Ангрен ва Олма-лик шаҳарлари, Бўка, Оҳанга-рон ва Пискент туманларида истикомат қилувчи 19 нафар фуқарога янги уйларнинг ка-литлари топширилгани ҳам бу йўналишдаги саяё-ҳаракатлар кўламинан далолатдир.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири
Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ
олган сурат

Сўраган эдингиз

Тошкент давлат аграр университети-да 2019-2020 ўқув йили қабулида жами 8 минг 998 нафардан ортик абитуриентлар рўйхатдан ўтказил-ди. Шулардан 5 минг 67 нафари кундузги таълим бўйича, 3 минг 931 нафари сиртки таълимни ташкил этади.

АГРАР УНИВЕРСИТЕТГА ҚАНЧА ТАЛАБА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

Университетда ўқиш истагини билдирган 1 нафар Россия фуқароси, 1 нафар кўзи ожиз фуқа-



ро, шунингдек, 43 нафар ҳарбий қисм қўмондонли-ги тавсияномасига эга, 9 нафар ҳарбий хизматчи-ларнинг фарзандлари, 7 нафар ички ишлар хо-димларининг фарзандла-ри ва 8 нафар чет тили бўйича сертификатларга эга абитуриентлар ҳуж-жатлари рўйхатдан ўтқа-зилди.

Тошкент давлат аграр университетида 2019-2020 ўқув йилида 885 та кундуз-ги таълим бўйича, 320 нафар сиртки таълим бўйича ва 164 нафар ма-гистратура мутахассисли-лари бўйича талабалар ўқишга қабул қилинади.

Виллоят ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази виллоят бошқармаси томонидан Тошкент туманида жорий йилнинг олти ойида юзага келган 107 та оилавий ажрим ҳолатининг таҳлилига доир тадбир ташкил этилди.

— Дастлаб ишчи гуруҳи тузилиб, ҳар бир муаммоли оила билан индивидуал иш олиб бориш режалаш-тирилди, — дейди марказнинг виллоят бошқармаси бошлиғи Дилором Ма-ҳамдалиева. — Бунда, аввало, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучай-тиришга эътибор қаратдик. Аҳоли-нинг саломатлигини назоратга олиш мақсадида тиббий кўриклар ўтказил-ди. Меҳнат ярмаркалари уюштири-либ, ўнлаб аёлларнинг бандлиги таъ-минланди. Бундан ташқари, оилавий муаммолар, низоли ҳолатлар бўйи-ча тушган мурожаатлар тегишли идора ва ташкилотларга йўналтири-либ, 7 та муаммо жойида ҳал этил-ди, 3 та ҳолат эса назоратга олин-ди.

Туманда ажрим сабабларини ўрга-ниш мақсадида 64 та оила билан иж-тимоий сўровнома ташкил этилди. Таҳлил натижаларига кўра, оилалар бузилишига эр-хотин, қайнона, қайн-ота ва келиннинг доимий келишмов-чилиги, фарзандсизлик, хиёнат, ги-ёҳвандлик, руҳий хасталик, ишсиз-лик, уй-жой ва ва моддий етишмов-чиликлар сабаб бўлган. Шу билан

Cila ilmiy-amaliy
tadqiqot markazi

йўналтириш борасида ҳамкор таш-килотлар иштирокида аниқ вазифа-лар белгилаб олинди.

Анжуманда, ўтган вақт ораллигида бирорта ҳам ажрим қайд этилмаган 20 та маҳалла фуқаролар йиғини ало-ҳида эътироф этилиб, ушбу маҳал-лаларда фаолият олиб бораётган мутахассисларга виллоят "Оила" мар-кази томонидан ташаккурнома тақ-дим этилди.

Умидна МАНСУРОВА,
"Оила" ИАМТ виллоят
бошқармаси мутахассиси

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги "Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги 3194-сонли Қарорига асосан ташкил топган "Бекобод шаҳар саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси тасарруфида бўлган, қуйида кўрсатилган манзилларда бўш турган бино-иншоотлари ҳамда ер майдонларини қонунда белгиланган имтиёзлар бўйича тадбиркорлик субъектларини танлов савдоларида иштирок этишга таклиф этади.

1. Бекобод шаҳри, Меъмор кўчаси, 247-уйда жойлашган
1-ХУДУД – 4"а"-ЛОТ – 0,40 Га, 4"в"-ЛОТ – 0,22 Га,
4"г"-ЛОТ – 0,48 Га;

2. Бекобод тумани, "Тақачи" МФЙда жойлашган
3-ХУДУД – 5-ЛОТ – 0,14 Га, 12-ЛОТ – 4,13 Га, 13-ЛОТ – 1,16 Га;

3. Бекобод шаҳри, "Андижон" МФЙ, Муҳамедов кўчасидаги "Исскилик ман-баи" корхонасида жойлашган
4-ХУДУД – 1-ЛОТ – 2,57, 2-ЛОТ – 0,50 Га;

4. Бекобод шаҳри, Қосим ота Фар-монов номи МФЙ, Наврўз кўчаси, 1-уйда 1,8 Га ер майдонида жойлашган
7-ХУДУД – 1-ЛОТ – 50 Га,
2-ЛОТ – 50 Га, 3-ЛОТ – 40 Га,
4-ЛОТ – 40 Га.

Манзил: Бекобод шаҳри, Ф. Фулом кўчаси, 1-уй, Бекобод шаҳар ҳокимлиги биноси.

Мурожаат учун доимий алоқа телефонлари: (+99890) 922-20-09, (+99890) 338-70-02.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги № 327-сонли "Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошираётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тўғрисида"ги қарори бўйича туман ҳокимлиги қошидаги тугатиш комиссиясининг хулосасига асосан Тошкент вилояти хўжалик суди қарори орқали фаолиятлари тугатилаётган корхоналар

Р е Й Х А Т И					
№	СТИР	Корхона номи	Рўйхатдан ўтган сана	Рўйхат рақами	
1	205804722	"SARVARBEK SAVDO" XK	05.09.2005	129	32 305369249 "TURON KOMFORT" MЧЖ
2	204550320	"SHOXRIDILRUX" XФ	19.05.2003	672	33 305712652 "SARDOR-ISTIQBOL" MЧЖ
3	301315215	"GERMES EXPO" XK	11.09.2009	2269	34 305120622 "WORLD LION" MЧЖ
4	302306676	"GALAXY INDUSTRY" MЧЖ	21.05.2012	3118	35 300524408 "ME MOR SIFAT QURILISH" MЧЖ
5	302522227	"FAYZ AGRO-PROGRESS" MЧЖ	28.02.2013	3274	36 301867620 "NARIMBOY UBAYDULLO FAYZ" MЧЖ
6	302696382	"OBOD QIBRAY" ДУК	02.09.2013	3382	37 302696407 "SARBON INVEST BARAKA" MЧЖ
7	302622173	"JASUR ISOHON SERVIS" MЧЖ	29.05.2013	3320	38 300943227 "INSOF BARAKA BIZNES" MЧЖ
8	300246950	"GULZOR – MUNISA" MЧЖ	12.02.2007	1558	39 304709212 "QIBRAY AGRO SYSTEM" MЧЖ
9	204096728	"YULDUZ-SADOQAT" XK	03.07.2002	799	40 304891868 "YAFNI TEX" MЧЖ
10	206736735	"BAHROMTEKS" ХИЧ	28.07.2006	1339	41 305125869 "UZBEK SUN" MЧЖ
11	202375594	"ГАЛАБА-97" MЧЖ	08.09.1997	N366	42 305138084 "INOVA TEXNO" MЧЖ
12	205686744	"MILLENNIUM TECHNOLOGIYALARI"	24.05.2005	78	43 301802148 "NAZUMI CONSULT" MЧЖ
13	301980213	"SHANAZAROV FAZLIDDIN SERVIS"	05.05.2011	2851	44 201678510 "ШАРК КАФЕСИ" XФ
14	301886487	"PARVOZ UNIVERSAL BIZNES" MЧЖ	09.03.2011	2777	45 305251791 "MEGA CITY" MЧЖ
15	204535243	"RAHMATJON ISMAT O G LI" XФ	03.05.2003	594	46 302120348 "TEZKOR PRESS SERVIS" MЧЖ
16	305714887	"RIVIERA TOUR" MЧЖ	25.08.2018	631290	47 300430335 "GULRUH – DILBAR" ДХ
17	302026503	"NOZIMBEK QURILISH" MЧЖ	15.06.2011	2881	48 206788236 "POYTAXT AGRO SERVIS" MЧЖ
18	301343008	"DO RMON AGRO GREEN" ШК	12.10.2009	2292	49 302910868 "PERFECT FUTURE" MЧЖ
19	305199104	"ECO-PRODUCTS" MЧЖ	06.01.2018	562667	50 303257659 "FARHOD ORZU FAYZ" MЧЖ
20	305061181	"DO RMON-SEMENT SAVDO" MЧЖ	15.09.2017	543455	51 205881709 M.Ч.Ж EPSILON AGRO K.K
21	303085905	"TURBO NET" MЧЖ	07.11.2014	3644	52 302167597 "MAM MAKARON ASIL MAHSULOTLARI"
22	305768796	"MARJON OIL'S" MЧЖ	24.09.2018	638443	53 305167982 "TOP CLEAN" MЧЖ
23	305721254	"SAFIYA-ELEFANTINA" MЧЖ	28.08.2018	632191	54 304373181 "BO'STON CHIROY" MЧЖ
24	305085864	ЧП "EKSPRES BROK IMPEKS"	28.08.2018	546977	55 301956716 "DELTABETON" MЧЖ
25	300228244	"CHORVADORLAR ITTIFOQI MЧЖ	07.02.2007	1552	56 206024538 "MUKAMBAR SHOMANSUROVA" XK
26	203342248	"MIRJALIL OTA" XФ	21.07.2000	693	57 302642814 "DOPPI SAVDO" MCHJ
27	300112833	"YANYOXON – FAYZ" XK	02.01.2007	1431	
28	201077705	"АЛА-ТОУ" XK	17.11.1994	975	
29	302435929	"FRESH ICE TRADE" MЧЖ	10.12.2012	3213	
30	302170033	"AZAMAT DAVR MAHSULOTI" MЧЖ	09.01.2012	3033	
31	304783653	"VOSKOD STROY KOMPLEKS" MЧЖ	30.03.2017	5315	


Макур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Кредиторлар 1 ой мобайнида Қибрай тумани ҳокимлиги корхоналар-ни тугатиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссиясига ёки Қибрай тумани ДСИга мурожаат қилишлари мумкин. Тел.: (78)-150-59-49.)

Ижтимоий эълон

2019 йил 1 июль ҳолатига корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот (фермер ва деҳқон хўжаликларида ташқари)


2019 йилнинг январь-июнь ойида Тошкент вилоятида 5 413 та корхона ва ташкилот янгидан ташкил этилиб, вилоятда уларнинг сони 35 051 тага етди. 2019 йил 1 июль ҳолатига 29 550 та фаолият кўрсатаётган тижорат кор-хоналари ҳисобга олинган бўлиб, шундан 29 284 таси ёки 99,1 фоизи кичик бизнес субъектларини ташкил этади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг умумий сонига нисбатан 27,8 % савдо, 22,8 % саноат, 12,4 % қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 9,1 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 8,7 % қурилиш, 4,2 % ташиш ва сақлаш, 1,6 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, 1,4 % ахборот ва алоқа ҳамда 12,0 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.



2019 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал ишти-рокидаги корхоналар сони 987 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 292 тага ёки 42,0 % га ўсган. Шунингдек, хорижий капитал ишти-рокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 538 таси норезидент иштиро-кидаги қўшма корхоналар, 449 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган хорижий капи-тал иштирокидаги корхоналарнинг 576 таси саноат, 151 таси савдо, 89 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 34 таси қурилиш, 18 таси ташиш ва сақлаш, 15 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 10 таси соғ-лиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 3 таси ахборот ва алоқа соҳаси, шунингдек, 91 таси бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.



Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асо-сий улуши Хитой Халқ Республикасига – 26,1 %, шунингдек, Россия Феде-рациясига – 14,4 %, Туркия Республикасига – 11,6 %, Қозоғистон Респуб-ликасига – 9,3 % ва Жанубий Корея Республикасига – 7,7 % тўғри келади.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси
статистик регистрлари юритиш бўлими

"Агробанк" АТБ Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарият иштирокида Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида "Очиқ мулоқот куни" ўтказилишини маълум қилади.

Бунда банк соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан бевосита мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиб, Сизга амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳат ва амалий ёрдамлар берилади.

"ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИ" ЎТКАЗИШ ЖАДВАЛИ:

№	Худуд ва филиаллар номи	Учрашув ўтказила-диган жой	Ўткази-ладиган сана	Ўтказила-диган вақти
1	Оққўрғон	Банк биноси	18.07.2019	Соат 10.00 да
2	Паркент	Банк биноси	23.07.2019	Соат 10.00 да
3	Бўқа	Банк биноси	06.08.2019	Соат 10.00 да
4	Чиноз	Банк биноси	20.08.2019	Соат 10.00 да
5	Юқориқирчиқ	Банк биноси	10.09.2019	Соат 10.00 да
6	Янгийўл	Банк биноси	25.09.2019	Соат 10.00 да
7	Ўртақирчиқ	Банк биноси	08.10.2019	Соат 10.00 да
8	Пискент	Банк биноси	22.10.2019	Соат 10.00 да
9	Бекобод	Банк биноси	07.11.2019	Соат 10.00 да
10	Оҳангарон	Банк биноси	19.11.2019	Соат 10.00 да

Маълумот учун телефон:
(+998 71) 244-09-82.



"Агробанк" АТБ Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарияти томонидан 2019 йилнинг II-ярим йиллигида шаҳар ҳамда туманларда жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабул режа жадвали

№	Бошқарма бошлиги ва ўринбосарла-ри (ФНИШ)	Лавозими	Учрашув ўтказиладиган жой	Июль		Август		Сентябрь		Октябрь		Ноябрь	
				18.07.2019	23.07.2019	06.08.2019	20.08.2019	10.09.2019	25.09.2019	08.10.2019	22.10.2019	07.11.2019	19.11.2019
1	А.Рустамов	Бошқарма бошлиги ўринбосари	Оққўрғон										
2	М.Йўлдашов	Бошқарма бошлиги ўринбосари	Паркент										
3	Ф.Насриев	Бошқарма бошлиги	Бўқа										
4	А.Рустамов	Бошқарма бошлиги ўринбосари	Чиноз										
5	М.Йўлдашов	Бошқарма бошлиги ўринбосари	Юқориқирчиқ										
6	А.Рустамов	Бошқарма бошлиги ўринбосари	Янгийўл										
7	Ф.Насриев	Бошқарма бошлиги	Ўртақирчиқ										
8	М.Йўлдашов	Бошқарма бошлиги ўринбосари	Пискент										
9	Ф.Насриев	Бошқарма бошлиги	Бекобод										
10	М.Йўлдашов	Бошқарма бошлиги ўринбосари	Оҳангарон										

Хизматлар лицензияланган

Шунингдек, 38 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми ва ажримлар чиқарилди. Умумий кўриб таомланган ишлардан 900 таси ёки 45,3 фоизи сайёр суд мажлисларида кўрилган.

Жиноят ишларини судда кўришда жамоатчиликни жалб қилган

тамомланган, – дейди Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг раиси Олимжон Исмаилов. – Уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 минг 688 тага ёки 21 фоизга камайган. Олиб борилган таҳлилларга кўра шу даврда 4 минг 147 та ариза бўйича суд буй-

иш юритиш тугатилган ва 1 минг 199 та фуқаролик иши бўйича даъво аризалари кўрмасдан қолдирилган.

Шу даврда вилоят суди кассация инстанциясида жами 420 та иш кўрилиб, шундан 79 та ҳал қилув қарори бекор қилинди. Шунингдек,

Улардан 7 минг 225 таси мазмунан кўриб чиқилди. 6 минг 106 та даъво ариза қаноатлантирилди. 725 таси эса рад этилди. 313 та даъво кўрмасдан қолдирилди. 81 та даъво бўйича иш юритиш тугатилди. Кўрилган ишлар сониини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тақ-

ларга нисбатан 194 та суд таъсир чоралари қўлланилди. Хусусан, 35 нафар шахс маъмурий, 79 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Интизомий чора қўллаш ҳақида 50 та ва бошқа қонунбузилишларнинг олдини олиш ҳақида 30 та хусусий ажримлар чиқарилиб, тегишли ташкилотларга юборилди.

– Вилотимизнинг туман (шаҳар) маъмурий судлари томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида жами 19 минг 275 нафар шахсга нисбатан 16 минг 299 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар биринчи босқичда кўриб таомланган, – дейди вилоят маъмурий суди раиси Мурод Абабакиров. – Таҳлилларга кўра, маъмурий ишлар сони жорий йилнинг ҳисобот даврида деярли ўзгармаган.

Кўриб таомланган ишлар бўйича 9 минг 406 нафар шахсга нисбатан 8,8 млрд. сўмлик жарима, 220 нафар шахсга нисбатан маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, 1 минг 579 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоқ, 62 нафар шахсни республика ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш жазоси тайинланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилотимизнинг маъмурий судлари томонидан жазо амалиётини қўллашда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш амалиёти кескин камайган бўлса, маъмурий қамоққа олиш эса кўпайган.

Кўрилган ишлар таҳлили ўтган йилнинг шу даврига нисбатан айрим тоифа маъмурий ҳуқуқбузарликлар, яъни, тўхмат, ҳақорат қилиш, майда безорилик кўпайганини кўрсатмоқда. Бироқ, автотранспорт билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони сезиларли даражада камайган.

Қобилжон АТАХАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича вилоят суди бош мутахассиси

СУД ЖАРАЁНЛАРИ: ТАҲЛИЛ, ТАҚҚОС, ХУЛОСА

ҳолда, "Маҳалла" фонди, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар кўмитаси вакиллариини жамоат ҳимоячиси сифатида иштироки таъминлаиб, улар томонидан билдирилган кафилилик хатлари асосида 110 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган турдаги жазолар тайинланди.

Судланувчи шахсларнинг 281 нафарини ёки 10 фоизини аёллар ташкил қилиб, улар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 94 нафарга ёки 25,1 фоизга камайган. Шунингдек, уларнинг 1 минг 134 нафарини ёки 40,3 фоизини ёшлар ташкил этган. Бу 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 483 нафарга ёки 29,9 фоизга камайганлигини кўрсатмоқда. Бироқ айрим ҳудудларда аёллар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар ошган.

Жиноят оқибатида етказилган 163,7 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарини қоплаган 141 нафар шахсга нисбатан озодлиқни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. 237 нафар шахс суд залининг ўзида қамоқдан озод қилинди.

– Ўтган олти ой давомида Фуқаролик ишлари бўйича вилоят, шаҳар, туман судлари томонидан жами 10 минг 81 та фуқаролик иши



руғи чиқарилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб саккиз қарра камайганлигини асосан қамқайган. Суд буйруқлари асосан коммунал тўловлар, газ ва электр таъминоти бўйича қарздорликларни ундириш ҳақида чиқарилишини инobatга олсак, бу ижобий ўзгариш фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ошаётгани, шу билан бирга, даромадлари кўтарилиб тўлов қобилиятлари ортиб бораётганлигини билдиради.

Вилоят судларида кўриб таомланган фуқаролик ишларининг 8 минг 360 таси бўйича ҳал қилув қарорлари қабул қилинган. Шундан 7 минг 185 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган бўлса, 1 минг 175 таси бўйича рад қилинган. 522 та фуқаролик иши бўйича

вилот суди апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилган ишларни таҳлил қилиш асосида судлар томонидан низоларни ҳал қилиш вақтида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳар ой якуни бўйича таҳлил қилиниб, судьялар иш-тирокида семинар машғулотларида муҳокама қилинмоқда.

– Вилоят ва туманлараро иқтисодий судлар томонидан тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш учун жойларда сайёр қабул ва очиқ мулоқотлар ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда, – дейди вилоят иқтисодий суди раиси в.в.б Рустам Хайдаров. – Ўтган олти ой таҳлилларига кўра, вилот ва туманлараро иқтисодий судларига жами 9 минг 352 та ариза ва даъво аризаси келиб тушди.

қосласак, жорий йилнинг ўтган олти ойида улар сони 12 минг 5 тага ёки 62,4 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳал этилган ишлар бўйича 972 млрд. 191 млн. 230 минг сўм миқдоридаги қарз ва етказилган моддий зарарларни даъвогарлар фойдасига ундириш юзасидан қарорлар қабул қилинган.

Суд қарорига асосан ундирилиш белгиланган давлат божлари миқдори жорий йилнинг 6 ойи давомида 23 млрд. 281 млн. 390 минг сўмни, ихтиёрий тўланган давлат божлари миқдори эса 779 млн. 570 минг сўмни ташкил этди.

Судьялар томонидан иқтисодий низоларни кўриш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор мансабдор шахс-

БОЛАЛАР ЁЗИ ОРОМГОҲДА МУТОЛАА ҲАМ ГАШТЛИ



Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ёз мавсумида соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган болаларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли ташкил

этиш, уларни китобхонлик даражаларини ошириш, иқтидорли болаларни аниқлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, шунингдек, болаларни соғломлаштириш мавсумини самарали ўтказиш мақсадида "Ёш китобхон" танлови ўтказилмоқда.

Бўстонлиқ туманидаги "Нихол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтган "Ёш китобхон" танловида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар фаол иштирок этишди.

Унда ёш китобхонлар ўзлари ўқиган асар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Иштирокчилар нутқ маданияти, асар моҳиятини очиб бера олиш қобилиятлари-

ни намойён этдилар. Шунингдек, китобхонлик, бадий адабиётлар ҳақида викторина ҳам ташкил этилди.

Яқунда энг кўп балл тўлаган гуруҳ иштирокчилари ва ғолибларга вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан диплом ва китоблар топширилди.

Ўз мухбиримиз

"Яхши фарзандларга эга бўлиш учун яхши оналарни кўпайтириш керак", деган экан буюк ёзувчи Бальзак. Дарҳақиқат, оналар қанчалик маънавиятли, зиёли бўлса, ўша оиладаги фарзандлар ҳам одобли, яхши ҳулқли бўлиб вояга етадилар.

Ишга келаётган мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган кўшни келин билан йўлимиз туташди. Йўл юрганга йўлдош яхши. Муаллима билан суҳбатлашиб келаётсак, йўл четидagi маҳобатли дарвоза шахд билан очилиб, хушрўйгина қиз кўринди. Шу тобда унинг ортидан онаси чиқди. Қиз бантигини ечиб, сочларини ёйиб олди. Сунъий жингалак қилинган сочлар қизнинг белини эгаллади. – Тез қимирла, даданг кўрмасин, – онаси шундай дея дарвозадан ҳовлига мўралади.

Қиз онасига зарда билан нимадир деди ва катта йўл томонга одимлади. Аёл эса ўзини ичкари олди. Тор қўйлақда аранг қадам ташлаб кетаётган қизнинг ёйилган сочларини шамол ҳар тарафга учирарди.

Муаллима менга, мен эса унга таажжуб билан қарадик.

– Биз ҳар кунни ўқувчиларимизга таълим бериш баробарида тарбияни ҳам ўқитиб борамиз. Лекин мана бу аёлга ўхшаган баъзи оналар қизлари тарбиясига салбий таъсир этаётганларини наҳот билишмайди? Қаранг, қизининг сочи тақимида тўшар экан. Шунини чиройли ўриб, дўпни қийишга ўргатганида эди, қизнинг ҳуснига ҳусн қўшилди, – дея қуёнади устоз. – Ўтган ўқув йилининг ўртасида синфимга

бошқа мактабдан бир ўқувчи қиз келиб қўшилди. Оилада тантиқроқ вояга етган шекилли, гап ўқитириш қийин бўлди. Калта киймаслик, сочини ёйиб юрмаслиги каби талабларимиз нафақат ўқувчи қизга, балки, унинг ота-онасига ҳам ёқмади. "Биз замонавий ота-оналармиз, фарзандларимиз ҳам ана шундай муҳитда вояга етмоқда", дея терс жавоб беришди улар. Ахир, замонавийлик бу ярим-яланғоч қийиниш дегани эмас-ку?!

Ишхонага яқинлашганимизда ҳамроҳим билан йўлимиз айро тушди. Отасига билдирмай қизини калта қийим қийишга, сочини ёйиб олишига рухсат берган она кўз олдимдан ўтаверди.

Ёшлигимизда мактабдан ташқари

Кўзгудаги ўзимиз

ҳеч қачон дадамнинг раъйига қарши чиқиб, уларнинг рухсатисиз биз, қизларни бирор жойга жўнатмаган. Қийиниш масаласида ҳам онам жуда эътиборли эдилар. Демокчи бўлганим, онам ҳеч қачон: "Даданг кўрмасин, даданг билмасин", деб



улардан бекитиқча иш кўрмаганлар...

Қасбимиз тақозосига кўра, туманда бўлиб ўтадиган кўплаб тадбирларда иштирок этамиз. Ёшлар тарбияси борасида тажрибали инсонларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитамиз.

– Беш нафар қиз фарзандимиз бор, – дейди Маъмура опа. – Тур-

муш ўртоғим ўқитувчи, мен уй бекасиман. Дадаси билан бирга қизларимизга одоб, андишани, сабр-тоқат, катталарга ҳурмат, қичикларга иззат каби қадриятларни ёшлигидан ўргатдик. Китоб билан дўст тутинтирдик. Имон қадар қизларимизнинг босган қадамини суршиттирдик. Бу уларга ишонганимиздан эмас, балки қизларимизни ҳаёт сўқмоқларида қўқилиб қолмасликларини учун эди. Айнакча, балогат ёшида дадаси ҳам, мен ҳам улар билан дўстона муносабатда бўлиб, хато ва камчиликларини, айбу нуксонларини тўғри тушунтирдик. Бу гапларни осонгина айтаялман. Аслида, фарзандларимиз тарбиясида елиб-югуриб, қийналдик, маслаҳатлар олдик. Меҳнатларимиз беҳуда кетмади. Ҳаммаси отасининг изидан бориб, ўқитувчиларни танлашди. Узатдик, ўзларига ўхшаган зиёли инсонлар учради. Беш қизимизнинг бари ўз меҳнати ортидан фидойи устозга айланиб, таълим аълочилиги бўлишди. Аёл сифатида, бир она бўлиб айтишим лозимки, агар турмуш ўртоғим фарзандлар тарбиясида масъулиятли бўлмаганларида, бир ўзим қизларимизни бу даражага олиб чиқолмаган бўлардим. Ўғил-қиз тарбиясида, энг аввало, отадан қатъият, интизом бўлса, онадан меҳр-муҳаббат бўлиши лозим экан...

Биз одамлар орасида юриб кўрганларимизни ёздик ва албатта, ўқиб хулоса чиқариш сиздан.

Дилфуза МИРОБИДОВА

Дикқат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" анъанавий кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" деган бош ғояни ўзида мужасам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" давлат дастури, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар – келажикимиз", "Беш ижобий ташаббус" каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларни кенг ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

"Энг улуг, энг азиз" анъанавий кўрик-танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

– ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
– босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;

– оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;
– телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;

Ижодий ишлар "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилларга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, телефонлар: 71 244-35-35; 71 244-64-61, 71 244-27-79;

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиллар хиёбони. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, телефон: 71 231-83-67;

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 1-А уй. "Ўзбеккино" миллий агентлиги, телефон: 71 277-81-05.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10 Электрон почта: thaqiqat@umail.uz / th-th@inbox.ru	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмуджонев томонидан саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввир Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ ISSN 2010-9318.
--	---	---	---	--	---